



КОРПОРАЦИЯЛАР ИШТИРОКЧИЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ, УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ-АМЕРИКА, КОНТИНЕНТАЛ ЕВРОПА ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ДОИРАСИДА ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Қиличова Мунира

Ҳуқуқшунос

muniraqilichova@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8323394>

ARTICLE INFO

Received: 29th August 2023

Accepted: 07th September 2023

Online: 08th September 2023

KEY WORDS

Корпорация, жамият
иштирокчилари, овоз бериш,
улуш, умумий йиғилиш, МЧЖ.

ABSTRACT

Ушбу мақолада корпорациялар иштирокчиларининг ҳуқуқлари, хусусан, жамият фаолиятида амалга оширилаётган ҳаракатлар ва қабул қилинаётган қарорлар юзасидан овоз бериш ҳуқуқининг амалга оширилиш тартиби хорижий ва миллий қонунчилик доирасида таҳлил қилинган. Шунингдек, корпорацияда умумий йиғилишни чақириш ва ўтказиш тартиби миллий ва хориж қонунчилиги асосида қиёсий ҳуқуқий жиҳатдан муҳокама қилинган.

Кириш

Корпорацияга нисбатан қўлланиладиган қонунлардан қатъи назар, компаниянинг бошқарувида қатнашувчи шахсларнинг иккита танлови мавжуд бўлади: улушни сотиш ҳамда корпорация ишлари бўйича овоз бериш. “Овоз бериш” ва “чиқиш” тушунчалари профессор Альберт О.Хиршманнинг 1970 йилдаги *Чиқиш, Овоз бериш ва Содиқлик* китоби орқали келиб чиққан¹.

Авваламбор, корпорацияларда овоз бериш ҳуқуқига тўхталиб ўтамиз.

Бизнинг ҳар бир юрисдикциямизга кўра ҳеч бўлмаганда бир синф улуши бўлган овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак, бу шундай изоҳланадики, улуш синфлари ўртасида овоз бериш ҳуқуқи тенг тақсимланганлигини билдиради. Нима сабабдан улушлар овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган деган савол туғилади? Бутун давр мобайнида Овоз бериш ҳуқуқини ифодаловчи асосий ўтга назария пайдо бўлган. Булар: доимий ҳисобланувчи ҳуқуққа асосланган, яъни “*доктринал*” назария; ҳозирги кунга хос бўлган “*инструментал*”, яъни иқтисодий назария; ҳамда иккита назариянинг аналогияси ҳисобланмиш “*сиёсий*”, яъни тизимли назария, қайсики кўп ҳолларда АҚШ судлари томонидан қўлланилади.

Корпорациянинг эгалари сифатида улуш эгалари компаниянинг бошқарувчисини тайинлаш, ҳар қандай қарорни ўзгартириш, сотиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир улуш эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳар қандай акционернинг ҳуқуқлари ҳар бир улуш доирасида муайян қарорлар билан (мас., қўшиб

¹ A. Cahn, D.C. Donald. Comparative company law, Cambridge University Press, New York, 2010. 467p.



юбориш) фақатгина бир турдаги шаклда (мас., умумий йиғилишда) ҳамда белгиланган ҳажмда (мас., битта овоз) амалга оширилади. Улуш эгасининг мулк ҳуқуқи корпорация доирасида унинг мол-мулкининг қийматини оширишга, яратишга қаратилган бўлади. Агар ҳар бир улуш эгаси компанияни ва унинг активларини бошқаришда якка бошқарувга эга бўлганда корпоратив тизим ишламаган бўлар эди. Шунинг учун улушга эгалик қилишда овоз бериш ҳуқуқининг мавжуд бўлиши табиий ҳолат ҳисобланади².

Демак, корпорациянинг турли шаклларида улушга эгалик қилувчи шахсларнинг ҳуқуқларини корпорацилар фаолиятидаги барча ишларда ҳимоя қилиш учун иштирокчиларнинг овоз бериш ҳуқуқининг мавжуд бўлиши муҳим ҳисобланади.

Қуйида овоз бериш ҳуқуқининг турли ҳуқуқ тизимларида қандай амал қилишини кўриб чиқамиз

Муҳокама ва натижалар

Германия, АҚШ ва Буюк Британияда улуш эгаларининг ёки акционерларнинг овоз бериш ҳуқуқи бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, ҳар бир юрисдикцияда овоз бериш ҳуқуқининг амалий аҳамиятини тушуниш учун нафақат овоз берилиши керак бўлган масалалар доирасини, балки ушбу масалалар овоз беришга қандай қўйилишини ҳам билиш зарур ҳисобланади.

Одатда улуш эгалари компанияга аҳамиятли ёки узоқ муддатли таъсир кўрсатувчи қарорлар юзасидан ушбу қарорни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик (вето) ҳуқуқига эга бўладилар. Германия қонунчилиги компаниянинг (биздаги жамиятнинг) асосий ҳужжатлар, капитал (мулк, актив), структуравий тузилиши бўйича қарорлар қабул қилишда улуш эгаларининг розилиги олинишини талаб қилади³.

Биз юқоридаги масалалар юзасидан қарор қабул қилишнинг жамиятнинг капитали (мулки, активи) бўйича қарор қабул қилишнинг тартибини кўриб чиқамиз.

Германияда акциядорлик жамияти (Aktiengesetz, кейинги ўринларда AG дейилади) акционерлари қонунга асосан дивидентлардан олинadиган тарқатиладиган фойдани олиш ёки олмаслик бўйича қарорни ўзлари қабул қилади⁴. AG капитали конвертация қилинадиган қарз қимматли қоғозлари қаторида кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин⁵ фақатгина акционерларнинг қабул қилиши билан⁶. Шунингдек, акционерлар “оддий” ҳисобланувчи компания акцияларини қайта сотиб олишни ҳам қабул қилишлари керак бўлади⁷.

Навбатдаги давлат Буюк Британияга тўхталадиган бўлсак, *Компаниялар Актига* кўра улуш эгаларининг компаниянинг асосий ҳужжатлар, капитал (мулк, актив), структуравий тузилиши бўйича қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Германия акционерлари ҳуқуқига нисбатан кенгроқ ҳисобланади.

Буюк Британияда компаниянинг ҳар қандай мулкини бегоналаштиришдаги қарор бўйича улуш эгаларининг розилиги талаб этилади⁸. Масъулияти чекланган

² A. Cahn, D.C. Donald. Comparative company law, Cambridge University Press, New York, 2010. 468-469 p.

³ A. Cahn, D.C. Donald. Comparative company law, Cambridge University Press, New York, 2010. 478 p.

⁴ 174 (1) German Stock Corporation Act (Aktiengesetz).

⁵ 221 German Stock Corporation Act (Aktiengesetz).

⁶ 182, 192, 202 207, 222, 229, 237 German Stock Corporation Act (Aktiengesetz).

⁷ 71(1) no. 8 German Stock Corporation Act (Aktiengesetz).

⁸ Sec. 551(1) CA (Company Act) 2006.



жамиятнинг капитали фақат улуш эгаларининг розилиги билан кўпайтирилиши мумкин⁹. Шунингдек, Масъулияти чекланган жамиятда улуш эгаларининг маълум бир улушнинг учинчи шахсларга ўтиши бўйича қарорга розилик овозини бермагунча, улушни ўтказмаслик ҳуқуқи мавжуд бўлади¹⁰.

Германия ва Буюк Британияга солиштирганда АҚШда активлар бўйича қарор қабул қилишда улуш эгаларининг ҳуқуқлари чеклангандир. Дивидентларни директорлар кенгаши бошқаради¹¹. Корпорация устави директорлар кенгашига янги акциялар чиқариш ҳуқуқини беради¹². Чунки Делавэр қонуни бўйича акцияларни сотиб олиш учун имтиёзли ҳуқуқда фойдаланиш улуш эгалари учун мажбурий ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги бўйича **“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”**ги қонуннинг 8-моддасига асосан жамият иштирокчилари жамиятнинг ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Мазкур ҳуқуқлар доирасида жамият мол-мулкни сотиш масаласида иштирок этишни ҳам тушунишимиз мумкин.

Навбатдаги масала бўйича умумий йиғилишни чақириш тартибини муҳокама қиладиган бўлсак, умумий йиғилиш улуш эгалари учун асосий қарор қабул қилувчи орган бўлиб ҳисобланади. Ушбу йиғилиш тури шахсларнинг катта қисми учун айна вақтда ахборот билан бўлиши ҳамда кўрилатган масалалар юзасидан изоҳ бериш имконини беради. Шунингдек, умумий йиғилиш улуш эгаларига муҳокама қилинаётган масала бўйича овоз бериш ҳуқуқини тақдим этади¹³.

Умумий йиғилишни чақириш тартибини муҳокама қиладиган бўлсак, бу масалани АҚШ, Германия ва Буюк Британия мисолида ҳамда Ўзбекистон бўйича кўриб чиқамиз.

АҚШда барча “ёзув маълумотлари”да мавжуд бўлган барча улуш эгалари умумий йиғилишга билдиришнома олиши керак¹⁴. Барча улуш эгалари олтмиш кундан кеч бўлмаган ҳамда камида ўн кун олдин умумий йиғилиш ҳақида хабарнома олиши керак ҳисобланади¹⁵.

Делавэр қонунига кўра улуш эгалари йиғилиш тўғрисида камида ўн кун олдин ёки олтмиш кундан кўп бўлмаган муддат ичида почта орқали ёки улуш эгаси рози бўлса, электрон почта орқали хабарнома олиши керак бўлади¹⁶.

Йиғилишни чақиришга ҳуқуқи бўлган рўйхатга киритилган улуш эгалари овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади¹⁷.

Германияда Акциядорлар жамияти тақдим этувчи ва номинал акцияларни чиқарганлиги учун бу ерда умумий йиғилишни чақиришнинг икки хил тури мавжуд.

⁹ Sec. 641(1) CA 2006. In the case of a public company, this provision requires that the court confirms the decision.

¹⁰ Secs. 567(1), 571(1), 573(4) CA 2006.

¹¹ DGCL § 242(b)(2). (Delaware General Corporation Law).

¹² DGCL § 161.

¹³ A. Cahn, D.C. Donald. Comparative company law, Cambridge University Press, New York, 2010. 546 p.

¹⁴ DGCL § 213(a).

¹⁵ DGCL § 213(a).

¹⁶ DGCL § 232.

¹⁷ §§ 213(a), 219(a) DGCL.



Биринчи турда умумий йиғилиш ҳақидаги хабар маълумот берувчига шундай тарзда тақдим этиладики, бунда ҳеч қайси адресат рўйхатга олинмаган бўлади, шунинг учун умумий йиғилишга таклиф босқичида ҳуқуққа эга бўлган акциядорларни аниқлашнинг ҳожати йўқ бўлади. Умумий йиғилишни чақиришнинг иккинчи турида компания ўтган йилда ўтказилган умумий йиғилишда вакиллик қилган кастодиан банкларга ва акционерлар уюшмасига хабарнома юбориши керак. Акциялар реестрига киритилган номли акциялар эгаларига умумий йиғилиш тўғрисидаги хабар икки ҳафта олдин юборилади. Акциялар реестрида кимлар таклиф қилиниши кераклиги кўрсатилган бўлиши керак¹⁸.

Акциялар реестридаги маълумотлар кимлар овоз бериш ҳуқуқига эгаллигини белгилаб беради. Акцияларнинг тури яна бир белгиловчи фактор ҳисобланиб, имтиёзли акциялар эгалари овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмайди, истисно сифатида агар дивидендлар йил давомида тўланмаган бўлса. Акцияларнинг синфларига тегишли бўлган масалалар бўйича алоҳида овоз бериш ҳуқуқи берилади. Шунингдек, Буюк Британия қонунлари сингари Aktiengesetz ҳам қарорга нисбатан манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда, масалан, директорнинг ҳужжатларини ратификация қилиш ёки унинг олдидagi мажбуриятларни бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълум бир кўрсатилган шахсларнинг овоз бериш ҳуқуқини чеклайди.

Буюк Британияга тўхталадиган бўлсак, умумий йиғилиш ҳақидаги учрашув тўғрисида ҳар бир аъзо ва директор хабардор бўлиши кераклиги белгиланган. Акциялар синфидан қатъи назар, Буюк Британияда умумий йиғилишда барча иштирокчилар қарор бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Шунингдек, иштирокчилар умумий йиғилишда овоз бериш учун ўз вакиллариини жўнатиб, улар орқали овоз беришлари мумкин. Агар компания йиғилишга чақирувни электрон тарзда амалга оширган бўлса, иштирокчи ҳам ишончномани электрон тарзда бериши мумкин бўлади¹⁹.

Умумий йиғилишни чақириш тартибини Ўзбекистон қонунчилиги бўйича муҳокама қиладиган бўлсак, **“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги** қонуннинг 33-моддасига кўра умумий йиғилишни чақирувчи орган ёки шахслар умумий йиғилишни ўтказишдан камида ўттиз кун олдин жамиятнинг ҳар бир иштирокчисини рўйхатда кўрсатилган манзил бўйича буюртма хат билан ёки уставда кўрсатилган бошқа усулда хабардор қилиши шарт ҳисобланади. Хабарномада жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши ўтказиладиган вақт ва жой, шунингдек таклиф қилинаётган кун тартиби кўрсатилиши керак.

34-моддага асосан умумий йиғилишда иштирокчилар ўз вакиллари орқали ҳам иштирок этиш ҳуқуқи мавжуд ҳисобланади. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

Ушбу нормаларни таҳлил қиладиган бўлсак, жамият иштирокчилари умумий йиғилишда шахсан ўзи қатнаша олмаса, умумий йиғилишда ўз вакили орқали иштирок этиш ҳуқуқи мавжуд ҳисобланади.

¹⁸ § 125(2) AktG.

¹⁹ Sec. 333 CA 2006.



Шунингдек, 34-моддага кўра 30-модданинг иккинчи хатбошисида кўрсатилган масалалар юзасидан ҳамда қолган қарорлар ҳам агар ушбу қарорларни қабул қилиш учун ушбу Қонунда ёки жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги белгиланган бўлмаса, *жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади.*

Бундан ташқари мазкур моддада *жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш* бўйича барча иштирокчиларнинг овоз бериши талаб этилади. Қолган қарорлар, агар бундай қарорларни қабул қилиш учун ушбу Қонунда ёки жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилиниши кўрсатилган.

Юқоридагилардан ташқари, МЧЖ ва ҚМЖ тўғрисидаги қонуннинг **41-моддасида** жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари, жамиятнинг устави талаблари бузилган ҳолда қабул қилинган ҳамда жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузадиган қарори овоз беришда иштирок этмаган иштирокчининг аризасига кўра суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Иштирокчи қарор тўғрисида билган ёки билиши лозим бўлган кундан эътиборан икки ой ичида судга ариза бериши мумкин. Суд ишнинг ҳолатидан келиб чиқиб жамият иштирокчисининг *овози овоз бериш натижаларига таъсир кўрсата олиши мумкин бўлмаса*, қарорни ўз кучида қолдириши мумкин.

Биз юқорида келтирганимиздек, *жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш* бўйича барча иштирокчиларнинг овоз бериши талаб этилади. Қолган қарорлар, агар бундай қарорларни қабул қилиш учун ушбу Қонунда ёки жамиятнинг уставида кўпроқ овозлар сони зарурлиги назарда тутилган бўлмаса, жамият иштирокчилари умумий овозлар сонининг кўпчилик овозлари билан қабул қилиниши кўрсатилган деган эдик.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, **биринчидан**, корпорацияларда улушга эга бўлган иштирокчилар жамият фаолиятига боғлиқ бўлган масалалар юзасидан умумий йиғилишда қатнашиб овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Чунки корпорациянинг турли шаклларида улушга эгалик қилувчи шахсларнинг ҳуқуқларини корпорациялар фаолиятидаги барча ишларда ҳимоя қилиш учун иштирокчиларнинг овоз бериш ҳуқуқининг мавжуд бўлиши муҳим ҳисобланади.

Иккинчидан, корпорацияларнинг умумий йиғилишида кўриладиган масалалар юзасидан иштирокчилар қатнашишини таъминлаш юзасидан уларни хабардор қилиш муҳим ҳисобланади. Сабаби ҳар бир корпорация иштирокчисининг жамият фаолиятига тааллуқли масалалар тўғрисида хабардор бўлиш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, иштирокчилар жамият доирасидаги ўз ҳуқуқларини умумий йиғилишда иштирок этиш орқали амалга оширадилар.

References:

1. A.Cahn, D.C. Donald. Comparative company law, Cambridge University Press, New York, 2010. 927 pages.



2. Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуни.
3. German Stock Corporation Act (Aktiengesetz).
4. Буюк Британия Компаниялар Акти.
5. Delaware General Corporation Law (USA).